

# **1-мавзу. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

*Режа:*

*1. Қишлоқ хўжалиги географияси иқтисодий географиянинг йирик ва  
етакчи тармоғи*

*2. Қишлоқ хўжалиги географиясининг ўрганиш объекти ва предмети*

*3. Қишлоқ хўжалиги географияси фанининг тадқиқот методлари*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг энг қадимий тармоғи бўлиб, инсоният ибтидоий жамоа давридан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган. Ёввойи ҳайвонларни кўлга ўргатиб хонакилаштирган, ўсимликларни маданийлаштирган. Буғдой Ироқда 6500 йил, шоли ва пахта Жануби-Шарқий Осиёда 3000 йил илгари етиштирила бошлаган. Чой эса 5000 йил аввал Хитойда маълум бўлган. Ўрта Осиёда қорақўл кўйлари бундан 8000 йил илгари, қорабайир отлари эрамиздан олдинги асрларда боқила бошлаган.

Қадимги Миср, Ироқ, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда эрамиздан олдинги асрлардан суғорма деҳқончилик ривожлана бошлаган. Кейинги даврларда деҳқончилик ва чорвачилик ривожлантириб келинган. Қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга ҳам тарқала бошлади. Айниқса, буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб жаҳон қишлоқ хўжалиги географияси ўз қиёфасини кескин ўзгартира бошлади. Янги дунё-Америка қитъасидан кўхна дунёга, ўз навбатида кўхна дунёдан янги дунёга ҳам кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва моллари олиб борилди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида катта ўрин тутди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, ҳудудий тарқалиши ва жойлашуви қишлоқ хўжалиги географиясининг шаклланиши учун замин яратди. Қишлоқ

хўжалиги географияси қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиш вақтидан бошлаб вужудга келди ва у билан ҳамнафас ривожланиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги географияси иқтисодий географиянинг тармоқ фанларидан биридир. Қишлоқ хўжалиги географияси иқтисодий географиянинг энг илғор, тараққий этган тармоқларидан бири ҳисобланади.

*Қишлоқ хўжалиги географияси қишлоқ хўжалигининг ҳудудий тарқалиши, жойлашиши ва комплекс ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Қисқача таърифлаганда эса қишлоқ хўжалиги географияси аграр(қишлоқ хўжалиги) ҳудудий тизимлари ҳақидаги фандир.*

Маълумки, ҳар қандай мустақил фан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги географияси ҳам ўз ўрганиш объекти, предмети ва тадқиқот методларига эгадир.

*Умумжаҳон ва унинг узвий қисми бўлган республикамиз аграр сектори қишлоқ хўжалиги географияси фанининг ўрганиш объектини ташкил этади.*

*Қишлоқ хўжалиги географияси фанининг ўрганиш предмети қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унга хос бўлган хусусиятлар, қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви, табиий шароитнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётига таъсири, ер, сув, меҳнат ва молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш фондлари, қишлоқ хўжалиги инфраструктураси, ер кадастри, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари, уларнинг ҳудудий ва тармоқлар таркибидан иборат.*

Қишлоқ хўжалиги географияси география ва иқтисод фанлари оралиғида шаклланган иқтисодий географиянинг энг қадимий тармоғи бўлгани учун у иқтисодий география, шунингдек иқтисодиёт ва табиий география қонуниятларига амал қилади. Айниқса, иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари қишлоқ хўжалиги географияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги географияси билан узвий алоқадор фанларни шартли равишда икки йирик тармоққа ажратиш мумкин:

1. Географик;
2. Иқтисодиёт.

Географик фанлар системаси табиий ва иқтисодий география фанларидан ташкил топган. Табиий география фанлари туркумига ер билими, тупроқшунослик, геоморфология, гидрология, биогеографияни киритиш мумкин.

Иқтисодий география фанлари-аҳоли ва меҳнат ресурслари, саноат, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳалари географияси мазкур фаннинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ва ижтимоий география динамик фанлардан бири бўлиб, барча ижтимоий фанлар каби социал, сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг бевосита таъсирида бўлади. Жамиятни модернизация қилиш даврида унинг мазмун ва моҳиятига, илмий йўналишига оид масалалар замонавийлаштиришни тақазо этади.

Маълумки, замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг негизини куйидаги уч мажмуали фанлар ташкил этади:

1. Аҳоли географияси ёки геодемография;
2. Иқтисодий география;
3. Социал география.

Ушбу фанлар тизимида иқтисодий география муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодий география ижтимоий ва иқтисодий география фанининг шаклланиши ва ривожланишида асосий база бўлиб келган. Фаннинг предмети ҳам иқтисодий география илмий таҳлилининг янги усулларини тадқиқ этиш, илмий башорат ва бошқариш методологиясини ўзлаштириш мобайнида аста-секин кенгая борди ва унинг бағридан социал география ва геодемография ажралиб чиқди. Иқтисодий географиянинг фундаменталлиги унинг худудий ёндашаши орқали доимо сақланиб келган.

Иқтисодий географиянинг ривожланган йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги географияси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги географияси иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг умумий қонуниятларига амал қилади. Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ҳудудий ва тармоқлар таркибининг хусусиятларини белгилаб берадиган ўзига хос қонуниятларни аниқлар экан иқтисодиёт ва статистика фанлари маълумотларига асосланади.

Қишлоқ хўжалиги географияси иқтисодий география ва иқтисодиёт фанлари қиррасида ўрганилади. Қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ва тармоқ таркибининг жойлашиши ва ривожланиш хусусиятлари, унга таъсир этувчи географик шарт-шароитлар ва омиллар иқтисодий географияга тааллуқлидир. Қишлоқ хўжалигининг ташкил этилиши ва унга таъсир этувчи иқтисодий омилларни иқтисодиёт фани ўрганади.

Қишлоқ хўжалиги географияси ўз мазмунига кўра агрогеографик муносабатларни ўрганади. Унинг мазмун ва моҳиятини қишлоқ хўжалигининг шаклланиши, мажмуали ривожланиши, ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишига таъсир этувчи қонуниятлар ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги географиясида аграр тармоқлар ҳар томонлама, хусусан тармоқ ва ҳудудий таркиби чуқур ўрганилади. Шунинг учун бу жараён турли фан вакилларининг илмий ҳамкорлигини талаб этади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги географиясининг вужудга келиши ва ривожланишида агроиқтисодиёт фанининг роли катта.

Иқтисодий географик, хусусан агрогеографик тадқиқотлар республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги географиясида кўплаб методлардан фойдаланилади. Улар жумласига картографик, таққослаш, статистика, районлаштириш, баланс, тарихий, тизим-таркиб, экстрополяция ва бошқа методларини киритиш мумкин.

Агрогеографик тадқиқотларда картографик метод муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосчиларидан бири

Н.Н.Баранский таъбири билан айтганда, география карта билан бошланиб карта билан ниҳоясига етиши керак. Карта ўрганилаётган ҳудуднинг кичрайтирилган тасвиридир. Ушбу методда воқеа-ҳодисалар ҳақидаги барча бирламчи маълумотлар ойнадек акс этади.

Ҳудудларда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда таққослаш методининг роли катта. Жумладан, минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ихтисослашувдаги тафовутлар таққослаш усули ёрдамида ўрганилади.

Кўплаб фанлар сингари қишлоқ хўжалиги географияси учун ҳам статистика методи энг кўп қўлланиладиган методлардан бири ҳисобланади. Негаки, агроиқтисодиёт фани статистик рақамлар асосида иш тутади ва унга асосланади. Статистик рақамлар, жадваллар, диаграммалар, график ва чизмаларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш асосида агрогеографик билимлар ортиб боради.

Баланс методи кўплаб фанларда, шу жумладан иқтисодий география ва иқтисодиёт фанларида ҳам энг кўп қўлланилади. Баланс (лот. balanx)-бирор-бир фаолиятнинг мувозанатга келтириши лозим бўлган томонлар ўртасидаги нисбатларнинг миқдорий ифодаси бўлиб, қишлоқ хўжалиги географиясида меҳнат ресурслари баланси, қишлоқ хўжалиги экинлари баланси, қишлоқ хўжалиги(деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари) маҳсулотлари баланси тузишда, умуман олганда қишлоқ хўжалигига оид турли хил статистик маълумотлар ва жадвалларни тузиш ҳамда уларни таҳлил қилишда кенг фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги географиясида районлаштириш методи етакчи методлардан биридир. Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг ҳудудий таркибини чуқур тадқиқ этишда, минтақавий сиёсат юритишда районлаштириш методининг амалий аҳамияти юқоридир.

Умуман география фанида бўлганидек қишлоқ хўжалиги географиясида ҳам ҳудудий таркиб, ҳудудий тизим ва ҳудудий мажмуа муҳим аҳамият касб

этади. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби табиий шарт-шароитлар, иқтисодий омиллар ва қонуниятлар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос ҳудудий мажмуаларни шакллантиради. Фаннинг энг муҳим вазифаси ҳам айнан ана шундай қишлоқ хўжалигининг ҳудудий мажмуаларини аниқлаш ҳамда уни комплекс ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигини районлаштиришдан иборат.

**Таянч термин ва тушунчалар:** фаннинг объекти ва предмети, методлари, баланс, картографик, статистик, агрогеографик тадқиқотлар, фаннинг вазифалари

**Такрорлаш усун саволлар:**

1. Фаннинг ўрганиш объекти деганда нимани тушунаси?
2. Ўрганиш объекти билан предмети ўртасида фандай фарқлар мавжуд?
3. Қишлоқ хўжалиги географияси фанининг ўрганиш объекти ва предмети нима?
4. Қишлоқ хўжалиги географияси фани қайси фанлар системаси ўртасида шаклланган?
5. Қишлоқ хўжалиги географияси фанида қандай методлардан кенг фойланилади?
6. Баланс методи ҳақида гапириб беринг
7. Картографик метод бошқа методлардан қандай фарқ қилади?

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Агроиқтисодиёт. Андижон, 1996. -254 б.
2. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
3. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -248 б.
4. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. -455 б.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Рўзиев А. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -152 б.
7. Талипов Г.А. Ўзбекистон ер кадастри асослари. –Т.: Молия, 2007.-187 б.
8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.
9. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни ). - Андижон. 2000.
- 10.Хусанов Р.Ҳ. ва бошқ. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: 2003. - 772 б.